

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ- ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси, майор

Мадримов Иззатбек Анварбек ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 315-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20354080>

Аннотация: ҳуқуқбузарликларни содир этилиш сабаблари, содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини тушунтириш бўйича мавжуд назариялар ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарлик сабаблари, шарт-шароит, умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитлар, гуруҳий даражадаги сабаб ва шароитлар, шахсий даражадаги сабаб ва шароитлар.

Ҳозирги кунга қадар ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини тушунтириш бўйича олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Ҳуқуқбузарлик ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир, шу боис уни келтириб чиқарадиган, унинг ривожланишини белгилаб берадиган, ўсишига таъсир қиладиган сабаблар ҳам ижтимоийдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари жиноятчиликнинг сабабларига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз ичига ҳам жиноят ва ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини қамраб олади.

Шу давргача, асосан, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари илмий жиҳатдан ўрганилиб келинган ва бу ўрганишлар, диалектика назарияларига асосланилган.

Диалектикада сабабиятлар назарияси илгари сурилиб, у ҳар қандай ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар ўртасида сабабий боғланишлар мавжуд бўлади, уларнинг ҳеч бири ўз-ўзидан содир этилмайди, деган ғоя эътироф этилади.

Бошқача қилиб айтганда, диалектика табиатдаги, коинотдаги ва жамиятдаги барча воқеа, ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан дунёвий боғлиқликда, ушбу боғлиқликлар турли хил шаклларда бўлиб, жуда ҳам мураккабдир, деб тушунтиради.

Ушбу мураккаблик ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи шахслардан ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини

аниқлаш, ўрганиш ва тушунтириб бериш учун ҳодиса, воқеа ва жараёнлар, ўртасидаги боғлиқликларни очиб бериш, тушуна билиш талаб этилади. Акс ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарадорликка эришиб бўлмайди.

Сўз юритилаётган мураккабликни айти пайтда жиноятчиликка қарши курашиш, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалиёт натижаларида ҳам кўриш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-йил 14-март куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли қарорда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти” мазмунидаги танқидий фикр билдириб ўтилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг негизини ва моҳиятини ташкил этади. профилактик ишларнинг самарадорлиги айнан мазкур масалага, яъни ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашга боғлиқ.

Масалага криминологик нуқтаи назардан ёндашилса, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши маълум бўлади. Бунда шахс онгида мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки жамиятга зид қарашлар ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

Криминолог олимлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шартшароитларига нисбий тушунчалар деб қаралади. Чунки ушбу нисбийлик содир этилган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган омилларнинг қайси бирларини сабаб ёки қайсиларини шароит деб



белгилашнинг мукаммал чегараси мавжуд эмаслиги, натижада уларни аниқлашда турли чалкашликларни келиб чиқишида намоён бўлади. Айнан шунинг учун ҳам олимлар бу икки тушунчани у “сабаб” ёки “шароит” бўлишидан қатъи назар ҳуқуқбузарликнинг содир этилишини таъминловчи омиллардир, шу боис уларни комплекс тарзда ўрганишда битта криминоген “детерминант”, яъни “ҳуқуқбузарликларнинг детерминантлари” деб тушуниш керак, деб ҳисоблашади.

Шу ўринда айтиш керакки, агарда ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи сабаб бўлса-ю, аммо шароит бўлмаса ёки аксинча шароит бор, сабаб йўқ бўлса, унда ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарлик юз бермайди. Шу боис, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар сабаб ёки шароит бўлишидан қатъий назар улар бартараф этилишни бирдай талаб этади.

Бугунги кунда амалиёт органлари ходимларида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар нима мақсадларда аниқланиши ҳамда бу борада нималарга эътибор қаратилиши лозимлигига оид билим ва кўникмаларни шакллантириш эҳтиёжи юзага келган.

Аслида, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши керак:

1) аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари бошқа ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришини олдини олиш;

2) муайян ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаб ва шароитларига ўхшаш омилларнинг бошқаларда ёки бошқа жойларда ҳам мавжудлигини аниқлаш, борди-ю аниқланса, унда уларни ҳуқуқбузарликлар содир этилмасидан илгари бартараф этиш чораларини кўриш;

3) ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий реабилитатсия қилиш ва ижтимоий мослаштирилишини таъминлаш;

4) агарда ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбли виқтимлик, яъни жабрланувчининг салбий хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолат мавжуд бўлса, унда жабрланувчига тарбиявий таъсир чораларини қўллаш кабилар.

Бу борада ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

биринчиси, ҳуқуқбузарнинг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жинсий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгилари)га;



иккинчиси, ҳуқуқбузарнинг тарбияси, оиласидаги муҳит, эҳтиёжи, манфаатлари, мотиви, мақсади, ҳаётда танлаган йўли;

учинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, шароит, содир этилиш усули, воситаси;

тўртинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда ҳуқуқбузарликни олдини олиш лозим бўлган субъектларнинг фаолияти;

бешинчиси, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг шахси (ижтимоийдемографик, маънавий-руҳий ва жиноий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгиси), айбли ёки айбсиз виктимлик ҳолати;

олтинчиси, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги алоқалар (яқин қариндош, қариндош, қуда-анда, қўшни, маҳалладош, ҳамкасб, синфдош, курсдош, таниш, нотаниш кабилар) ва муносабат (зиддиятли, адоватлашган кабилар);

еттинчиси, ота-онасининг илгари ҳуқуқбузарлик содир этганетмаганлиги, содир этган бўлса, қайси турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги кабиларга.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашни фақат маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш жараёни билан чегараламасдан, яна қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

- маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш;

- оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг хабарларини ўрганиб чиқиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг ҳисобини юритиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси 6-хатбошисига кўра ички ишлар органлари зиммасига “ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш” вазифаси юклатилган.

Ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар билан бир вақтда, ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ҳолда ёритиш ва ҳисобини юритишни назарда тутувчи электрон карточкаларни жорий этиш орқали марказлаштирилган ҳисобга олиш тизими ва унинг электрон базасини яратиш, ушбу йўналишдаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда таъсирчан профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва манзилли амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлилини олиб бориш.

Бугунги кунда Ички ишлар вазирлигининг Ахборот марказларида ҳуқуқбузарликлар (жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар) ва ҳуқуқбузар шахслар (жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар)га доир маълумотларни марказлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш тартиби мавжуд бўлиб, ушбу тизим имкониятидан аксарият ҳолларда қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган маълумот, яъни шахсни илгари ҳуқуқбузарлик содир этган-этмаганлигини аниқлаш мақсади йўлидагина фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикасига доир ҳисоботлар фақат юқори турувчи органларга ахборот бериш мақсадидагина амалга оширилиб келинмоқда. Ваҳоланки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ушбу соҳадаги ишлар ва кўрсаткичлар таҳлилларига таянмасдан олиб боришнинг имконияти мавжуд эмас.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритишга доир электрон тизимнинг жорий этилиши, ўз ўрнида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлилини олиб бориш асослари ва тартибининг ҳам ишлаб чиқирилишини талаб этади. Бу борада кимлар, қайси ҳолатда ва нима мақсадда таҳлил ишларини олиб борилишига доир ҳуқуқий тартибни белгилаш лозим ҳисобланади.



Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар таҳлилини қуйидаги ҳолатларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчиси, илмий тадқиқот муассасалар ёки тадқиқотчилар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган масала ёки мавзу юзасидан тадқиқот олиб борилаётганда;

иккинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи амалиёт органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий (идоравий) дастурларни, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”ни режалаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни баҳолаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоботлар беришда;

учинчиси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларини ишлаб чиқаётганда;

тўртинчиси, Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқаётганда.


Шу ўринда Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларни олиш ва ундан фойдаланишга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасанинг розилиги билан йўл қўйилишига оид тартибнинг ҳам жорий этилиши ўринлидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чора-тадбирларни кўриш орқали амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлиги албатта, ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг натижаларига боғлиқ ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишда мазкур сабаб ва шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномаларнинг ўрни ва роли катта. Бирок афсуски, амалдаги қонун



хужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-протсессуал кодекси (6-бўлим) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (196, 313-моддалар) ўз ифодасини топган.

Мавжуд қонун ҳужжатларига асосланиб, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар ким томонидан киритилишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин ҳисобланади:

- прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.


Прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар. 2001-йил 29-августда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 40-моддасига кўра, прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар ушбу субъектлар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади. Бу борада “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонуннинг 9-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимидан ўрин олган ҳар бир субъектга қонун чиқарувчи “ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан,




ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш” ваколатини берган.

Ҳуқуқбузарлик ишларини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар. Ушбу турдаги тақдимномалар ҳуқуқбузарлик ишларини юритувчи мансабдор шахслар (амалдаги Жиноят-протсессуал кодекснинг 3-бобида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар) томонидан белгиланган протсессуал тартибга кўра ўз иш юритувидаги ҳуқуқбузарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят) иши бўйича киритилади.

Мавжуд тартиб тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан “тақдимнома талаблари билан танишиб чиқиш ва тегишли чоралар қўллаш ҳамда бу ҳақда тақдимнома юборган орган ёки мансабдор шахсга бир ой муддат ичида ёзма равишда жавоб юбориши шарт”лигига оид талабни қўяди. Ушбу талаб бажарилмаган ҳолларда қонунда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Эътиборли томони шундаки, амалиётда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг келиб чиқишини аксарият ҳолларда тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки хусусий ажрим келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ёзма равишда жавоб хати юборилиши билан боғлаб тушунилаётганлиги кузатилади. Баъзида тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалда ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан айтарли ҳеч қандай профилактик чора-тадбирни амалга оширмасдан, тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга жавоб хати юбориш билан кифояланаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Натижада, тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини бажариш масаласига юзаки ёндашиш келиб чиқмоқда. Амалиётда дастлабки тергов органлари томонидан тўхтатилган ва тугатилган жиноят ишлари бўйича Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома деярли киритилмайди. Қолаверса, тақдимномани киритиш вазифаси фақат



дастлабки тергов органлари зиммасига юкланиб қолган, ваҳоланки, амалдаги Жиноят-протсессуал кодексининг 296-моддасига кўра терговчи билан бир қаторда суриштирувчи, прокурор ва суд ҳам Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома (хусусий ажрим)ларни киритиш мажбуриятига эга.


Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида профилактик чора-тадбирлар тизимига янги-янги тадбирлар киритилди. Шулардан бири, “ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий қилмишнинг содир этилиш ҳолатини, у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилиш” билан боғлиқ тадбир бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишда муҳим саналади.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолатини, у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилишдан кўзланган асосий мақсад, ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда яшовчи аҳоли, шунингдек, мутасадди шахсларнинг сергаклиги ва масъулиятини ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва шу орқали бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ушбу тадбир ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдимнома ижроси юзасидан амалга ошириладиган муҳокамадан фарқланади.

Ҳуқуқбузарлик, асосан, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилиш ҳолати, у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилинганида, муҳокама ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги маҳаллада, корхона, муассаса, ташкилотда тўпланган дастлабки маълумотларга асосланиб, ҳуқуқбузарликка оид ишни юритаётган ёки кўриб чиқишга қабул қилган орган ёки мансабдор шахс иштирокида кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши лозим. Муҳокамада, ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий қилмиш нима учун айнан ушбу маҳалла ёки корхона, муассаса, ташкилотда содир этилгани, уни олдини олишга масъул бўлган шахслар фаолиятининг аҳволи каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тақдимноманинг муҳокамасида эса ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, усул, восита, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланганнинг шахси,



улар ўртасидаги алоқа ва муносабат, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар каби масалалар муҳокама қилиниши ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ қарорлар қабул қилиш талаб этилади.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолати бўйича у содир этилган куннинг эртасига амалга ошириладиган муҳокамаларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ саналади:

– аҳоли ёки кенг жамоатчилик ўртасида амалга ошириладиган муҳокамалар;

– ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий қилмишларнинг муҳокамаси шахснинг шаъни ва қадр-қимматига дахл қиладиган ҳолларда, фақат давлат органлари ёки хизматлари ходимлари, мутасадди шахслар иштирокида ўтказиладиган муҳокамалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муайян шахснинг соғлиги ёки ҳаётига хавф туғдириши, давлат сирининг ошкор бўлиши ёки ҳуқуқбузарликнинг очилиши ёхуд ҳуқуқбузар шахснинг қўлга олинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда муҳокама ўтказилишига асло йўл қўйилмаслиги лозим.

Ислохотлар жараёнида янги киритилган профилактик тадбирлардан яна бири, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”ни ташкил этиш ва ўтказишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда бу борада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирларни қуйидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш ва ишни ташкил этиш таклиф этилади:

биринчи йўналиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

иккинчи йўналиш, турли хил шаклдаги мулклар, давлат идоралари, бино ва иншоотларининг қўриқловини амалга ошириш;

учинчи йўналиш, аҳолини ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг сабаб ва шароитлари, усул ва воситалари ҳақида огоҳлантириш, жабрланувчиларнинг ҳимоясини таъминлаш;

тўртинчи йўналиш, фуқароларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийиш, қайтариш ҳамда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ахлоқан тузатиш.



Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда республикамизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислоҳотлар давомида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан янги-янги ижтимоий-ҳуқуқий механизмлар яратилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Асосий адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.– 288 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни





тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябдаги 644-сон қарори
<https://lex.uz/ru/docs/6272590>

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил

12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил

25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.

